

ДЕҲҚОНЧИЛИК ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ  
КОРХОНАЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ  
(СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТУВЧИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ  
КОРХОНАЛАРИ МИСОЛИДА)

*Тошқулов Абдукодир Ҳамидович -  
Олий ва ўрта махсус таълим вазири,  
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент*

**Аннотация:** Мақолада Сурхондарё вилоятида фаолият кўрсатувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари мисолида деҳқончилик фаолияти билан шуғулланувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарини солиққа тортишнинг хусусиятлари ўрганилган ва хулоса шакллантирилган.

**Калит сўзлар:** озиқ-овқат, деҳқончилик, қишлоқ хўжалиги, солиқ, фермер хўжалиги.

ОСОБЕННОСТИ НАЛОГООБЛОЖЕНИЯ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ,  
ОСУЩЕСТВЛЯЮЩИХ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННУЮ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ  
(НА ПРИМЕРЕ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ, ДЕЙСТВУЮЩИХ  
В СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ)

*Тошқулов Абдукодир Ҳамидович -  
Министр высшего и среднего специального образования,  
Доктор экономических наук, доцент*

**Аннотация:** В статье исследуются особенности налогообложения сельскохозяйственных предприятий, осуществляющих сельскохозяйственную деятельность, на примере сельскохозяйственных предприятий, действующих в Сурхандарьинской области, и делаются выводы.

**Ключевые слова:** продукты питания, сельское хозяйство, сельское хозяйство, налогообложение, сельское хозяйство.

FEATURES OF TAXATION OF AGRICULTURAL ENTERPRISES ENGAGED IN  
AGRICULTURAL ACTIVITIES (ON THE EXAMPLE OF AGRICULTURAL ENTERPRISES  
OPERATING IN SURKHANDARYA REGION)

*Toshkulov Abdukodir Khamidovich -  
Minister of Higher and Secondary Special Education,  
Doctor of Economics, Associate Professor*

**Annotation:** The article examines the features of the taxation of agricultural enterprises engaged in agricultural activities on the example of agricultural enterprises operating in Surkhandarya region and draws conclusions.

**Keywords:** food, farming, agriculture, taxation, farming.

**Қириш.** Сўнгги йилларда республикада экин майдонлари таркибий тузилмасини озиқ-овқат экинлари билан кенгайтириш ҳисобига босқичма-босқич мақбуллаштириш бўйича аниқ мақсадли йўналтирилган бир қанча ишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичиликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича фаол тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда республикамизда олиб борилаётган солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири ҳам қишлоқ хўжалик экинзорларидан унумли фойдаланиш, уларнинг самарадорлигини оширишга қаратилгани бежиз эмас, албатта.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги корхоналари Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсати концепцияси таъсирида ҳамда Янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг амалиётга жорий этилиши натижасида 2020 йил 1 январдан эътиборан фаолияти доирасида мажбурияти нуқтаи назаридан умумбелгиланган солиқларни тўлаш тартибига ўтказилди. 2020 йил 1 январга қадар қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар фақат ягона ер солиғини тўлаш мажбуриятига эга ҳисобланган. Шундай экан қишлоқ хўжалиги корхоналарига нисбатан қўлланилган ягона ер солиғининг улар фаолиятига таъсирини таҳлил қилишни лозим топдик.

### Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ягона ер солиғи бошқа солиқ турларидан фарқли ўлароқ ўзига хос хусусиятларга эга. Жумладан, ўзининг иқтисодий моҳиятига кўра ушбу солиқ ер эгалари ва ердан фойдаланувчи хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг молиявий натижалари билан боғлиқ эмас. Демак, ушбу солиқни жорий қилишдан мақсад юқорида таъкидлаганимиздек, ердан оқилона фойдаланишни рағбатлантириш, тупроқ унумдорлигини ошириш, сифати турлича бўлган ерларда хўжалик юритишнинг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларини тенглаштириш, аҳоли яшайдиган жойларда инфраструктура ривожланишини таъминлаш ҳамда ерларни талон-тарож қилинишига йўл қўймаслик ҳисобланади.

Мустақиллик қўлга киритилганидан бошлаб узоқни кўзлаб амалга ошириб келинаётган ислохотлар замирида, аввало, инсон манфаати мужассам эди. Буни бугун бошқа соҳалар каби қишлоқ хўжалигида ҳам кўриб турибмиз. Ўтган давр мобайнида давлат бош ислохотчи тамойилига амал қилинган ҳолда жорий этилаётган «Ислохот – ислохот учун эмас, аввало инсон учун» деган мантиқ асосида соҳада тубдан ўзгаришлар амалга оширилди.

Қишлоқ хўжалигидаги амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида давлат томонидан ишлаб чиқарувчиларга ҳар томонлама кўмак ва имтиёзлар бериб келинмоқда. Жумладан, бугун аграр соҳада етакчи кучга айланган фермер хўжаликларини молиялаштириш ва кредитлаш, моддий ресурслар етказиб берувчи ҳамда хизмат кўрсатувчи корхоналар билан ўзаро ҳисоб-китоб тизимини янада такомиллаштириш борасида бир қанча ишлар амалга оширилди, уларнинг ўзаро ҳуқуқий, иқтисодий муносабатлари тизими тубдан такомиллаштирилди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан бир қаторда, қайта ишлаш, тайёрлаш, сақлаш, сотиш, қурилиш ишлари ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган кўп тармоқли фермер хўжаликларини рағбатлантириш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш»[1] каби бир қатор устувор вазифалари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар йили фермер хўжаликларини босқичма-босқич кўп тармоқли фермер хўжаликларига ўтказиш бўйича ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилиб, халқ депутатлари Кенгашларида тасдиқланади ҳамда белгиланган дастурлар асосида ишлаб чиқилган республика миқёсидаги дастурлар ўрганиб чиқиш ва маъқуллаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлисининг Сенати муҳокамасига киритилмоқда.

Бугунги кунда кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш дастури асосида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Биргина, Сурхондарё вилоятида 2019 йилда 1135 та фермер хўжалигида кўп тармоқли фаолияти йўлга қўйилди. Энг асосийси, дастурнинг амалда қўлланилиши натижасида қишлоқ жойларда 3000 нафардан ортиқ кишининг бандлиги таъминланди. Фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан бевосита боғлиқ бўлмаган гўшт-сут ва мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, совуткичли омборхоналар ва хизматлар кўрсатиш каби йўналишлар йўлга қўйилмоқда.

Кўп тармоқли фермер хўжаликлари мақомини белгилаш ҳамда уларга солиқ имтиёзлари бериш бўйича Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуни ҳамда Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 ноябрда алоҳида қарори[2] қабул қилинди. Ушбу ҳужжат талаблари доирасида:

– кўп тармоқли фермер хўжаликларининг мақоми белгиланди;

– кўп тармоқли фермер хўжаликлари учун тегишли имтиёзлар жорий этилди, яъни реестрга киритилган кўп тармоқли фермер хўжаликларига нисбатан улар реестрга киритилган кундан бошлаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан боғлиқ бўлмаган бошқа фаолият турлари бўйича ягона солиқ тўловидан 5 йилга озод қилинди. Ушбу қарорга асосан жорий йилнинг ўзида 3 мингдан зиёд фермер хўжалиги 5 йил муддатга ягона солиқ тўловидан озод қилинди;

– 2018 йилдан бошлаб республика бўйича ҳар бир фермер хўжалиги бухгалтериясини юритиш тизими яратилди. Яъни ҳар 20 нафар фермер хўжалигига 1 нафардан ҳисобчи бириктирилиб, маоши давлат бюджетидан молиялаштирилди. Ушбу бухгалтерлар томонидан кўп тармоқли фермер хўжаликларининг ҳам ҳисоби юритилади.

Бугунги кунда фермер хўжаликларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича асосий йўналишлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

**Биринчи йўналиш**, бевосита фермер хўжаликларини давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича асосий харажатларини молиялаштириш билан боғлиқ. Бунда фермер хўжаликларининг маҳсулот етиштириш харажатларини, хусусан, минерал ўғитлар, ёқилғимойлаш материаллари, биологик маҳсулотлар, кимёвий воситалар, техника хизматлари, уруғ-

лик, иш ҳақи ва бошқа харажатларни молиялаштириш назарда тутилади.

Давлат эҳтиёжларидан ташқари бошқа маҳсулот турларини, жумладан, мева, узум, сабзавот, полиз, картошка етиштириш харажатларини молиялаштириш учун ҳам етарли миқдорда кредит ресурслари ажратиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Шу сабабли фермер хўжалиklarини зарурий айланма маблағлар билан таъминлаш мақсадида қўшимча банк кредитларини жалб қилиш юзасидан Марказий банк ва тегишли вазирлик ҳамда идоралар томонидан қатор тартиб ва низомлар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди.

**Биринчидан**, фермер хўжалиklари агро-техник тадбирларни ташкил этишда етарли миқдорда айланма маблағларга эга бўлишига ёрдам бериш мақсадида уларга бошланғич сармояни шакллантириш учун имтиёзли кредитлар беришнинг самарали тизими жорий этилди. Фермер хўжалиги бошланғич сармояни давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг 6 ой ичида олиши мумкин. Бошланғич сармоя учун кредит фермер хўжалиklarига 3 йилгача бўлган муддатга, энг кам ойлик иш ҳақининг 300 баравари миқдоригача фоиз тўлашни 12 ойгача кечиктириш ва асосий қарзни кредит олингандан сўнг 18-24 ой ўтгач қайтаришни бошлаш шартларида берилади.

**Иккинчидан**, агротехник тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўладиган техника воситалари билан таъминлаш мақсадида фермер хўжалиklarига техника воситаларини лизинг асосида сотиб олиш тизими яратилди.

Фермер хўжалиklари техника воситаларини лизинг асосида харид қилиши учун техниканинг бошланғич нархининг 15 фоизини тўлаб, қолган 85 фоизини 7 йил муддат ичида (Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларининг фермер хўжалиklари 10 йил муддатда) тўлаши мумкин. Бунда фермер техниканинг 85 фоиз қийматида «Ўзагросуғурта» компанияси билан суғурта шартномасини тузади. Суғурта мукофотларини ҳисоблаш учун суғурта тариф (ставка) миқдори техниканинг 85 фоиз қийматидан бир йилга 0,5 фоизни ташкил қилади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилари томонидан лизингга олинadиган техникалар сони ҳар йили давлат техника дастурига киритилади.

**Иккинчи йўналиш**, қишлоқ хўжалиги корхоналарига солиқ имтиёзлари берилишидир. Маълумки, солиққа тортишда солиқ миқдорини ернинг сифатига (балл бонитети) қараб ҳисоблаш ва бу жараёнга табақалаштирилган равишда ёндашиш муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга. Бу хўжалиklarга бир хил иқтисодий шароит яратиш беришни таъминлайди. Ав-

валги солиққа тортиш тизимида бу масалалар ўз ечимини топмаган эди.

Солиққа тортиш ва солиқ тўлаш тизимини соддалаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан фермер хўжалиklари томонидан тўланадиган тўққизта солиқ тури ўрнига 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб қишлоқ хўжалиги корхоналари учун ягона ер солиғи жорий қилинди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сонли қарорига мувофиқ 2009 йилда давлат бюджети параметрларида экспортга сотиладиган пахта толаси бўйича 20 фоизли қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) тўлашдан пахта тозалаш корхоналари озод этилди. Натижада шу миқдорда фермерларга пахта учун тўланадиган харид нархлари кўтарилди.

Бунда ҳукуратимиз томонидан пахта етиштирувчи фермер хўжалиklarини ва тайёрлов корхоналарини рағбатлантириш кўзда тутилган бўлиб, пахта толасининг ички нархларини жаҳон бозоридаги нархларга тенглаштириш чоралари кўрилмақда. Шунингдек,

– янгидан ташкил этилган пахта, ғалла, сабзавот, полиз, картошка, чорва маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган фермер хўжалиklари 2 йил муддатга, боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжалиklари 5 йил муддатга ягона ер солиғидан;

– фермер ўзига тегишли лойиҳадаги ерни ўз ҳисобидан ўзлаштирган тақдирда кейинги 5 йил мобайнида мазкур ерлар учун тўланадиган ягона ер солиғидан;

– қишлоқ хўжалиги учун четдан сотиб олинаётган минитехнологиялар қўшилган қиймат солиғи ва божхона тўловларидан;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 мартдаги 304-сонли қарорига асосан чет эл техникалари олиб келишда қўшилган қиймат солиғи ва божхона тўловлари ҳамда чет эл техникалари учун эҳтиёт қисмлар олиб келишда қўшилган қиймат солиғидан;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2006 йил 11 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислох қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ агрофирмалар фойда солиғи, ер солиғи, мулк солиғи, қўшилган қиймат солиғи (импортга қўшилган қиймат солиғидан ташқари), ягона солиқ тўловидан давлат рўйхатидан ўтган вақтдан бошлаб 3 йил муддатга озод этилган.

Агар таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, бизда солиқ тизими ҳар жиҳатдан жумладан, тўлов-

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ

лар соддалаштирилганлиги, айниқса, нисбатан кам солиққа тортилгани билан қўшни давлатлардан ажралиб туради.

**Учинчи йўналиш**, балл бонитети паст ерларда пахта етиштирадиган фермер хўжаликларининг зарарини қоплаш мақсадида уларга молиявий ёрдам беришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 5 ноябрдаги «Ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжалиklarини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ балл бонитети паст ерларда фаолият юритувчи фермер хўжалиklarига 180 млрд. сўм ҳажмида молиявий ёрдам ажратилди. Бу маблағлар фермерларнинг хизмат кўрсатувчи ва таъминотчи ташкилотлар олдидаги қарзларини қисқартиришда салмоқли манба бўлди. Жорий йилда ҳам бу борадаги ишлар изчил давом этмоқда.

Фермерлар учун яна бир муҳим бўлган масала деҳқончилик қилаётган ерларнинг унумдорлигини оширишга қаратилган ирригация тизимларини такомиллаштириш ва мелиоратив ҳолатини яхшилашдан иборатдир. Деҳқончилик қилинаётган ерларда бу масалалар ечимини топмаса, ҳосилдорлик ҳам фермернинг даромади ҳам камаяди, шунга мос равишда унинг қарзлари ҳам ортиб бораверади.

**Тўртинчи йўналиш**, мамлакатимизда ирригация ва мелиорация тизимини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масаласидир.

Сўнгги йилларда сув хўжалиги ташкилотлари эксплуатация харажатларига республика бюджетидан маблағ ажратиш тизими тубдан ўзгартирилди ва натижада молиялаштириш ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда. Жумладан, сув хўжалиги ташкилотлари эксплуатация харажатлари учун ажратилаётган маблағлар ҳажми 2019 йилга келиб 1994 йилга нисбатан салкам минг маротаба ошди.

Ерларнинг сув таъминоти ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича чет эл инвестициялари киритишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Амалга оширилган мелиоратив тадбирлар натижасида 346 минг гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, кучли ва ўрта шўрланган майдонларни 42 минг гектарга камайишига, 127 минг гектар майдонда ер ости сувларини қишлоқ хўжалиги экинлари учун мақбул сатҳларга туширилишига эришилди.

Сурхондарё вилоятида фаолият кўрсатувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан тўланган асосий солиқ тури ҳисобланувчи ягона ер солиғи тушумини йиллар кесимида таҳлилини 1-жадвал маълумотлари асосида кўришимиз мумкин.

### 1-жадвал

#### Сурхондарё вилоятида қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан тўланган ягона ер солиғи миқдори туманлар кесимида ўзгариши динамикаси (млн. сўм)

№	Туман ва шаҳар номи	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил
1.	Термиз шаҳар	1,0	2,2	1,2	5,9	5,4
2.	Ангор тумани	511,5	907,4	1 009,9	1 250,5	836,4
3.	Олтинсой тумани	811,8	1 409,9	2 513,0	2 587,4	2 130,1
4.	Бойсун тумани	569,4	755,3	751,6	872,7	540,5
5.	Музработ тумани	652,8	1 924,6	1 908,8	1 987,8	1 410,9
6.	Денов тумани	2 180,8	2 941,9	2 275,7	3 868,5	2 886,9
7.	Жарқўрғон тумани	898,2	1 785,3	1 744,5	1 531,7	1 194,1
8.	Қумқўрғон тумани	994,4	2 226,2	1 386,1	1 820,0	1 146,0
9.	Қизириқ тумани	719,3	2 634,5	2 616,1	2 255,4	1 824,8
10.	Сариосиё тумани	661,7	850,5	1 073,6	1 285,6	1 104,6
11.	Термиз тумани	587,4	814,4	944,6	1 475,3	1 249,8
12.	Шеробод тумани	868,6	2 891,6	2 714,0	2 288,0	1 592,8
13.	Шўрчи тумани	1 078,3	1 531,1	1 464,8	1 558,1	1 222,0
14.	Узун тумани	692,1	897,3	845,2	1 247,8	1 205,2
15.	Бандихон тумани	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
	<b>Жами</b>	<b>11 227,3</b>	<b>21 572,1</b>	<b>21 249,3</b>	<b>24 034,7</b>	<b>18 349,4</b>

*Манба: Сурхондарё вилояти Давлат солиқ бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан мустақил тайёрланган.*

Қуйидаги жадвал маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, Сурхондарё вилояти бўйича ягона ер солиғи тушуми ўсиш тенденциясига эга. Фақат 2018 йилга нисбатан 2019 йилда кескин камайган. Ушбу ҳолатни 2019 йилда қишлоқ хўжалиги корхоналарини солиққа тортиш механизмида ўзгаришлар киритилиб

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги «Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5755-сонли Фармонига асосан қўшилган қиймат солиғи жорий этилди.




## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ

Сурхондарё вилоятида ягона ер солиғи бўйича асосий улуш Денов, Олтинсой, Шўрчи ва Қизириқ туманларига тўғри келмоқда. Мазкур туманларда солиқ тушумининг юқориликни ушбу ҳудудларда ҳам деҳқончилик ҳам чорвачилик фаолияти субъектлари мавжудлиги билан асослаш мумкин.

Ягона ер солиғи миқдорининг ўзгаришига биринчи галда бевосита ерларнинг меъёрий қиймати таъсир қилади. Шундан келиб чиққан ҳолда деярли барча таҳлилий даврда барча туманлардаги солиқ тушумининг ҳар хил ўзгариб туришини ерларнинг меъёрий қиймати аниқ бир мезон асосида объектив равишда белгиланмаганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, юқоридаги 1-жадвалда келтирилган ягона ер солиғи қишлоқ хўжалиги товарларини етиштирувчи корхоналар деҳқон хўжалиги сифатида ҳамда фермер хўжалиги сифатида фаолият юритувчи субъектлар, шунингдек, чорва корхоналари томонидан ундирилган.

Юқоридаги жадвал маълумотларига таяниб кўйидаги 1-расм маълумотлари орқали Сурхондарё вилояти бўйича қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилардан ундирилган ягона ер солиғининг умумий тушуми динамикасини кўришимиз мумкин:



**1-расм. Сурхондарё вилоятида сўнгги беш йилда ундирилган ягона ер солиғининг умумий тушуми**

*Манба:* Сурхондарё вилояти Давлат солиқ бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан мустақил тайёрланган.

Юқоридаги 1-расм маълумотларига кўра Сурхондарё вилоятида қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан тўланган ягона ер солиғи миқдори 2016-2017 йилларда деярли бир хил бўлиб, 2018 йилда 13 фоизга кўпайган. Бундай қисман ўзгаришларни 2016-2018 йилларда ерларнинг меъёрий қиймати деярли бир хил, яъни номувофиқ белгиланганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Ягона ер солиғининг тушуми 2019 йилда кескин камайиб кетишининг асосий сабабларидан бири сифатида 2019 йилда қишлоқ хўжалиги корхоналари учун ягона солиқ тўлови ва қўшилган қиймат солиғининг жорий қилинишини келтириш мумкин. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини солиққа тортиш механизмидаги бундай ўзгаришлар натижасида солиқ юкни тартибга солиш мақсадида 2019 йилда ерларнинг меъёрий қиймати ҳам пасайтирилган ва бу тушум қисқаришига сабабчи бўлган.

Кўйидаги 2-жадвал маълумотлари асосида Сурхондарё вилоятида сўнгги беш йилда деҳқончилик фаолияти билан шуғулланувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари ва улар томонидан

тўланган солиқлар миқдорининг туман ва шаҳарлар кесимида ўзгариш кўрсаткичлари таҳлилин кўришимиз мумкин.

Юқоридаги 2-жадвалда Термиз шаҳри ва Бандихон тумани кўрсаткичлари келтирилмаган. Термиз шаҳрида кўрсаткичларнинг келтирилмаганлиги деҳқончилик фаолияти билан шуғулланувчи қишлоқ хўжалиги корхонаси мавжуд эмаслиги билан изоҳланса, Бандихон тумани Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 24 декабрдаги 312-сон қарорига асосан тугатилиб, унинг ҳудуди Қизириқ туманига бирлаштирилганлиги сабабли таҳлилий даврда кўрсаткичлар келтирилмаган. Лекин 2020 йилда Бандихон тумани Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2019 йил 30 ноябрдаги 2932-III-сон ва Олий Мажлис Сенатининг 2019 йил 30 ноябрдаги СҚ-539-III-сон «Сурхондарё вилояти таркибида Бандихон туманини ташкил этиш ҳамда Қизириқ, Бойсун ва Қумқўрғон туманлари чегараларини ўзгартириш тўғрисида»ги қарорлари асосида қайта ташкил этилганлиги сабабли ўрганилаётган ҳудудлар таркибида келтирилган.

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ

Таҳлил қилинаётган 2-жадвал маълумотларида келтирилган солиқ тушумлари 1-расмда келтирилган тушумлар билан бевосита мувофиқ келмайди. Сабаби ушбу жадвалда чорвачи-

лик фаолияти билан шуғулланувчи қишлоқ хўжалиги корхоналаридан ундирилган солиқлар акс этмаган.

2-жадвал

### Сурхондарё вилоятида деҳқончилик фаолияти билан шуғулланувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари ва улар томонидан тўланган солиқлар миқдорининг туман ва шаҳарлар кесимида ўзгариш динамикаси


№	Худудлар номи	2015 йил		2016 йил		2017 йил		2018 йил		2019 йил	
		Корхона сони	Солиқ миқдори	Корхона сони	Солиқ миқдори	Корхона сони	Солиқ миқдори	Корхона сони	Солиқ миқдори	Корхона сони	Солиқ миқдори
1.	Термиз шаҳар	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0
2.	Ангор тумани	169	392,8	283	776,8	133	880,4	174	1 039,8	199	1 713,1
3.	Олтинсой тумани	1097	716,8	1277	1297,4	550	2388,6	605	2 459,8	669	2 751,1
4.	Бойсун тумани	542	228,5	459	268,7	187	145,9	205	193,4	218	430,2
5.	Музработ тумани	677	539,1	607	1772,8	263	1772,2	293	1 865,1	342	2 725,6
6.	Денов тумани	1032	1808,1	1004	2528,7	441	1903,9	469	3 471,0	563	3 869,3
7.	Жарқўрғон тумани	504	547,7	513	1414,5	207	1410,8	244	1 164,7	264	1 486,2
8.	Қумқўрғон тумани	1040	786,5	985	2020,6	238	1101,2	265	1 552,1	298	2 155,0
9.	Қизириқ тумани	924	649,5	942	2543,3	418	2266,9	503	1 916,1	621	2 975,3
10.	Сариосиё тумани	831	468,6	826	669,8	359	799,4	436	946,2	481	1 682,5
11.	Термиз туман	296	439,0	375	673,0	166	686,9	183	1 029,1	214	1 918,2
12.	Шеробод тумани	970	708,8	810	2756,9	367	2484,3	447	2 024,3	501	2 643,0
13.	Шўрчи тумани	581	852,4	464	1365,5	211	1237,4	248	1 296,2	303	1 793,8
14.	Узун тумани	392	597,9	388	821,2	164	669,7	184	1 027,3	221	1 431,2
15.	Бандихон тумани	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0
<b>Жами</b>		<b>9055</b>	<b>8735,7</b>	<b>8933</b>	<b>18909,1</b>	<b>3704</b>	<b>17747,6</b>	<b>4256</b>	<b>19985,2</b>	<b>4894</b>	<b>27574,5</b>

*Манба:* Сурхондарё вилояти Давлат солиқ бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан мустақил тайёрланган.

Шу билан бирга 2019 йилдаги тушумнинг ортиб кетишининг асосий сабаблари сифатида ушбу жадвалда нафақат ягона ер солиғи, балки бошқа солиқ турлари ҳам келтирилганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Бошқа туманларга қараганда Бойсун туманининг солиқ тушумининг улуши жуда кам миқдоридаги пул маблағини ташкил этган. Чунки Бойсун туманида ерларнинг меъёрий қийма-

ти юқори эмаслиги, яъни суғориладиган ерларнинг камлиги, лалми ва яйловларнинг кўплигидир. Энди юқоридаги 2-жадвал маълумотларига таяниб, Сурхондарё вилояти бўйича деҳқончилик фаолияти билан шуғулланувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ушбу корхоналар томонидан тўланган солиқлар тўғрисидаги умумий кўрсаткичлар таҳлиliga тўхталсак (2-расм).




2-расм. Сурхондарё вилоятида деҳқончилик фаолияти билан шуғулланувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари ва улар томонидан тўланган солиқлар миқдорининг ўзгариш динамикаси

*Манба:* Сурхондарё вилояти Давлат солиқ бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан мустақил тайёрланган.

Юқоридаги 2-расм маълумотларига кўра, вилоят миқёсида деҳқончилик фаолияти билан шуғулланувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари сони 2015 йилда 9055 тани ташкил этган бўлса, 2017 йилда ушбу кўрсаткич 3704 тани ташкил қилиб, деярли 2,5 баробар, яъни кескин камайиш тенденциясига эга. Ушбу ҳолатни 2017 йилда деҳқончилик фаолияти билан шуғулла-

нувчи корхоналарнинг бирлаштирилиши билан асослаш мумкин.

Сурхондарё вилоятида деҳқончилик фаолияти билан шуғулланувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан тўланган солиқлар миқдори таҳлил қилинса, ушбу кўрсаткичлар ўсиш тенденциясига эгаллигини кўриш мумкин.



### 3-расм. Қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан тўланадиган солиқларга таъсир этувчи омиллар

*Манба:* Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Таҳлилий даврда 2015-2017 йилларда қишлоқ хўжалиги корхоналари фақат ягона ер солиғини тўлаган. 2015 йилда 9055 та корхоналар томонидан 8 735,7 млн. сўм солиқ тўланган бўлса, 2017 йилда 3704 та корхона томонидан 17747,6 млн. сўм миқдорида солиқ ундирилишини корхона сони ўзгаргани билан, улар фойдаланишидаги ер майдони ўзгаришсиз қолгани ва бунинг натижасида солиқ тушуми ҳам ортгани орқали билиш мумкин.

Айрим қишлоқ хўжалиги корхоналари 2018 йилдан ягона солиқ тўлови (айланмадан олинадиган солиқ)ни тўлаш тартиби киритилган. Қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан тўланадиган солиқларни таҳлил қилишда уларга бевосита таъсир этувчи омилларни қуйидагича кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ сиёсати концепцияси доирасида қонунчиликка ўзгаришларга киритилгунга қадар қишлоқ хўжалиги қорхоналари фойдаланилган ерларига нисбатан ерларнинг меъёрий қиймати инobatга олиниб, ягона ер солиғи ундирилиб келинган.

Сурхондарё вилоятида мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ҳажмлари кўпайтирилишини таъминлаш, уларни тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш, ички бозорда нархларни барқарор сақлаш, деҳқон хўжаликларининг салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш ва улар фаолиятининг бозор механизмларини ривожлантириш, қишлоқ аҳолисининг даромадларини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 382-сон қарори[3] қабул қилиниб, ушбу ҳужжатга асосан

Сурхондарё вилоятининг ҳар бир туманида кичик бизнес субъектлари, хусусий тадбиркорлик ва фермер хўжаликлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва «Ўзагроэкспорт» акциядорлик жамияти иштирокида масъулияти чекланган жамият шаклидаги агрофирмалар ташкил этиш белгиланган.

**Хулоса ва таклифлар.** Деҳқончилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг фойдаланишидаги ер участкаларининг энг кам ўлчами пахтачилик ва ғаллачилик учун камида 80 гектарни, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа экинларни етиштириш учун камида 1 гектарни ташкил этади. Юқоридагиларни инobatга оладиган бўлсак, албатта, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларга 5 нафардан ортиқ ишчи лозим бўлади. Амалда эса бугунги кунда бир неча юзлаб гектар ери бўлган, ёки бир неча юзлаб қорамоли бўлган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ҳам ўзида ишлаётган ходимлар ва уларга берилаётган даромадларни яширишга ҳаракат қилади.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини ташкил этишда уларнинг фойдаланишидаги ер майдони ўлчамига қараб ишловчилар сонини белгилаш мақсадга мувофиқ. Натижада, бир томондан қишлоқ аҳолиси асосий иш жойига эга бўлади, иккинчи томондан даромадларни декларациялаш ҳамда ижтимоий солиқ объекти ошиши натижасида ушбу тўлов бўйича бюджетга тушум ортади.

### *Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:*

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 ноябрдаги «Кўп тармоқли фермер хўжаликлари реестрини шакллантириш ва юртиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги 972-сон қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 9 ноябрдаги «Сурхондарё вилоятида деҳқон хўжалиklarининг имкониятларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 382-сон қарори.
4. Мирзиёев Ш.М. «Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз» – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – 592 б.
5. Мирзиёев Ш.М. «Буюк келажимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз» – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – 488 б.
6. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 30 декабрдаги «Солиқ маъмуриятчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-455-сонли Қонуни
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги «Иқтисодий ривожланиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5621-сон Фармони
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июлдаги «Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5755-сон Фармони
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-4555-сон Қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.01.2020 й., 07/20/4555/4257-сон.
10. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2008-2020 йиллардаги маълумотлари.

### **ИСТЕЪМОЛ САВАТИГА КИРУВЧИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ИҚТИСОДИЙ-СТАТИСТИК ТАҲЛИЛ ЭТИШ УСЛУБИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Абдуғаниев Отабек Аллажонович -**  
*Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*  
*ТерДУ, Ахборот технологиялари факультети декани*

**Аннотация:** Ушбу мақолада истеъмол саватига кирувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари самарадорлигини оширишни моделлаштириш жараёнлари атрофлича ёритилган. Шунингдек, минтақаларда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** истеъмол савати, моделлаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, моделлаштириш методикаси.

### **СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОЛОГИИ ЭКОНОМИКО-СТАТИСТИЧЕСКОГО АНАЛИЗА ЭФФЕКТИВНОСТИ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОЙ ПРОДУКЦИИ, ВХОДЯЩЕЙ В ПОТРЕБИТЕЛЬСКУЮ КОРЗИНУ**

**Абдуғаниев Отабек Аллажонович -**  
*Доктор философии по экономике (PhD)*  
*ТерГУ, декан факультета информационных технологий*

**Аннотация:** В данной статье всесторонне освещены процессы моделирования повышения эффективности сельскохозяйственной продукции входящие в потребительскую корзину. А также разработаны научно обоснованные предложения и рекомендации по обеспечению продуктовой безопасности в регионах.

**Ключевые слова:** потребительская корзина, моделирование, сельскохозяйственная продукция, методология моделирования.

### **IMPROVEMENT OF THE METHODOLOGY OF ECONOMIC AND STATISTICAL ANALYSIS OF THE EFFICIENCY OF AGRICULTURAL PRODUCTS INCLUDED IN THE CONSUMER CART**

**Abduganiyev Otabek Allajonovich -**  
*Doctor of Philosophy in Economics (PhD)*  
*TerSU, Dean of the Faculty of Information Technologies*

**Annotation:** This article comprehensively covers the modeling processes for improving the efficiency of agricultural products included in the consumer basket. It also developed scientifically grounded proposals and recommendations for ensuring food safety in the regions.

**Key words:** consumer basket, modeling, agricultural products, modeling methodology.